

Ўзбек миллий адабиётининг хозирги тараккиётини бир кадар истеъдодли адиба ва шоираларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Булар орасида она шоира Зулфиядан тортиб, Халима Худойбердиева, Ойдин Хожиевалар ижоди ўзга бир олам. Гулчехра Нуруллаева хам ана шу забардаст бир шеърий гулдастага файз киритиб турганлардан. У 1938 йилда Тошкент вилоятининг Чоштепа кишлогида тугилган. Отаси чор-ночор рўзгор тебратган. Онаси эса уй юмуши билан банд бўлган.

Гулчехра Нуруллаева 1946—1956 йилларда ўрта мактабда ўкиб, уни олтин медал билан тугатган. 1956—1961 йилларда эса Тошкент дорилфунунининг журналистика бўлимими аъло баҳоларда битирган. Сўнгра «Ўзбекистон хотин-кизлари» (хозирги «Саодат», 1961—1967) ойномасида ўз фаолиятини бошлайди. 1967—1969 йилларда Москвадаги икки йиллик олий адабиёт курсида тахсил олади. 1967 йилдан буён Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Унинг ижоди асосан 60-йиллардан бошланган бўлиб, биринчи шеърий тўплами «Куёш табассуми» (1965) номи билан чоп этилади. Шу кунгача ўндан ортиқ тўпламлар нашр эттирди.

«Уларга бу куннинг назари билан караб, — деб ёзади шоира ўз таржимаи холида, — жуда кўп шеърларимдан воз кечиб турибман. Умуман, Ўзбекистоннинг мустамлака, ўзимнинг кул бўлиб яшаганимни узок йиллар билмаган эканман. Биз ташки дунёдан, ўтмишдан бутунлай узилгандик, империя мафкураси онгимизга хар томонлама сингдирилганди. Шу туфайли хамма катори пионер, комсомол, комфирика аъзоси бўлганман. Халкимиз Паркентда Комфирика бошчилигига отилганининг эртасигаёк партия билетини ташладим. Ёзувчиларнинг 1991 йил октябр ойида бўлган Курултойида менга берилган Ленин комсомоли мукофоти ва «Хурмат беғиси» орденидан воз кечиб, уни кайтариб бердим». Ха, шундай!

Шоира ана шу шижаат, исёнкорлик, адолат учун жонфидолилик ўзи айтганидек, аввалги кўп шеърларидан хам воз кечишга олиб келди. Бирок, шоира нимадан, кайси шеърларидан воз кечмасин, энг мухими ўз халки учун, унинг порлок келажаги, баҳт-саодати учун шеър ёзишдан бир зум хам кечолмади.

Гулчехра Нуруллаеванинг «Орзуларим кокади канот» (1969), «Ташнаман» (1972), «Иккинчи баҳор» (1973), «Лирика» (1975), «Лети, моя мечта» (1972, рус тилида), «Багишлов» (1977), «Пахта хиди» (1981), «Нурли нукталар» (1986), «Мухаббатнинг суврати» (1988) каби тўпламларига кирган ўнлаб, юзлаб шеърлари ўзининг оташ нафаси, даъваткорлиги, самимий ва исёнкор рухи билан ўз халки юрагидан чукур жой олган. Шоира учун бундан ортиқ баҳт борми?! У оиласи. Турмуш ўртоги — йўл инженери, кизи дорилфунун талабаси, ўгли эса рассом бўлмокчи, талаба у. Шоира дейди:

Кимга гул, ким учун балки тиканман,
Юртим, хизматингга ярармикинман?!